

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
УДК 341.221+332.14(479)

**ШЕРАЛИЕВ ОЙБЕК РИХСИЛЛАЕВИЧ**

**ЖАНУБИЙ КАВКАЗНИНГ БИПОЛЯР ТИЗИМ ПАРЧАЛАНИШИДАН  
КЕЙИНГИ ГЕОСИЁСИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ**

23.00.04. – Халқаро тизимлар ва жаҳон тараққиётининг  
сиёсий муаммолари

сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини  
олиш учун ёзилган диссертация

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2010**

Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Халқаро муносабатлар кафедрасида бажарилган.

**Илмий раҳбар:** тарих фанлари доктори, профессор  
**Фармонов Раҳмон Фармонович**

**Расмий оппонентлар:** сиёсий фанлар доктори, профессор  
**Жўраев Нарзулла Қосимович**

сиёсий фанлар номзоди  
**Хўжанов Баҳром Адирбаевич**

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат шарқшунослик институти**

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги фан доктори (номзоди) даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.15.01 рақамли Ихтисослашган кенгашнинг 2010 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_кунни соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (100077, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54-уй).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг илмий кутубхонасида танишиш мумкин (100077, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54-уй).

Автореферат 2010 й. “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш  
илмий котиби,  
сиёсий фанлар номзоди**

**Баҳадиров М.М.**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Жаҳонда кечаётган оламшумул ўзгаришлар, геосиёсий трансформация жараёнлари, давлатлар, халқаро ташкилотлар фаолиятига, шунингдек, минтақалар турмуш тарзига ўзининг сезиларли таъсирини ўтказмоқда. Дунёда кечаётган янгича трансформация жараёнлари тизимида Кавказдаги, хусусан, Жанубий Кавказ минтақасидаги геосиёсий киёсда ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Кавказ минтақасини геосиёсатнинг муҳим манбаси чегарасидаги детерминизм асосида Каспий, Азов ва Қора денгизлари оралиғидаги макон сифатида тавсифлаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, Европа ва Осиёни ажратиш турувчи геосиёсий чегара деб ҳам айтса бўлади. Бироқ, «Кавказ – оммавий онг одатда идрок этадиган чегара эмас, балки анча мураккаб масаладир. Кавказ чегараси – кимнингдир мудофаа чизиғи ёки маданиятлар ажралган чизикқина эмас, у, айтиш вақтда, асрлар давомида дунёдаги турли халқларнинг хилма-хил қадриятларининг аралашуви (диффузияси)дек жуда жиддий ва муҳим жараёнлар кечган ноёб трансчегаравий макондир»<sup>1</sup>.

Дунёда куч марказлари ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши оқибатида, қолаверса, собиқ СССРнинг парчаланиши билан Жанубий Кавказ геосиёсий минтақа сифатида шаклланди. Бу билан «СССРнинг тарқалиши Кавказда тарихан қарор топган геосиёсий ва стратегик мувозанатнинг бузилишига олиб келганлигини айтиш мумкин»<sup>2</sup>.

Шунингдек, Жанубий Кавказ «герметиклигининг бузилиши» ҳам Евросиёнинг геосиёсий контекстидаги тектоник силжишларнинг оқибати бўлди. Минтақада эса ўз таъсирини ўтказиш учун жаҳон сиёсатининг катта салоҳиятга эга бўлган акторлари кураша бошладилар. Кавказ учун бўлаётган «катта ўйин» ана шундай шароитда ривожланмоқда.

Айтиш жоизки, мазкур жиҳатлар тадқиқот мавзусига алоҳида долзарблик бахш этиб, Жанубий Кавказдаги янгича геосиёсий трансформация жараёнларини тадқиқ этишда қуйидаги ҳолатларнинг эътибордан четда қолмаслигини тақозо этади:

*биринчидан*, Кавказни географик жиҳатдан иккига – Шимолий ва Жанубий Кавказга ажратиш мумкин. Бунда, Шимолий Кавказга Россия Федерациясининг тегишли географик ҳудуди сифатида қаралса, Жанубий Кавказ Арманистон, Озарбайжон ва Грузия ҳудудларини ўз ичига олган геосиёсий макон ҳисобланади.

*иккинчидан*, Жанубий Кавказ Ғарб ва Шарқ кесишган чизик бўлиб, геостратегик жиҳатдан муҳим зона ҳисобланади;

---

<sup>1</sup> Куртов А. Государства Южного Кавказа: стоит ли пытаться обмануть географию (размышления потомка Российской империи) // <http://ames.kiev.ua/news/?id=164> – 2008. – 13 июля.

<sup>2</sup> Another Despotism Seeks to Infiltrate the West // International Herald Tribune. – London, 1993. – 9 September.

*учинчидан*, Жанубий Кавказ минтақасининг геосиёсий трансформациясида минтақа мамлакатларидаги ўзгаришлар билан биргаликда, ташқи омил сифатида етакчи хорижий давлатларнинг минтақага нисбатан муносабатлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

*тўртинчидан*, Жанубий Кавказ республикалари умумий геостратегик ва геосиёсий интилишларга эга эмас, оқибатда, улар ҳар хил ташқи геосиёсий кутблар ўртасида мувозанат сақлашга мажбур бўлмоқдалар;

ва, *бешинчидан*, ички минтақавий интеграцияга тўсқинлик қилувчи асосий омил шубҳасиз, Жанубий Кавказ мамлакатларининг этносиёсий ва ҳудудий зиддиятлари учун етарли бўлган кучларнинг мавжудлигидир.

Ҳозирги кунда Жанубий Кавказ буюк ва минтақавий давлатлар манфаатларининг тўқнашув нуқтасига айланган. Оқибатда, минтақанинг сиёсий ҳолатида ва у ерда яшаётган халқларнинг турмуш тарзида ташқи кучларга хос мафкуравий таъсир доираларининг учкунлари ҳам сезилмоқда.

Минтақага нисбатан мафкура экспорти амалга оширилаётганлиги унинг ўзига хос мафкура полигонига айланиб қолаётганлигидан далолат беради, қолаверса, ушбу ҳолатнинг хавфлилигини тасвирлаш учун Президент И.А. Каримовнинг “бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга”<sup>1</sup> деган фикрини келтириш ўринлидир.

Юқорида билдирилган мулоҳазалар асосида тадқиқот мавзусининг долзарблигини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

*биринчидан*, Жанубий Кавказдаги бугунги геосиёсий жараёнлар Ўзбекистон илмий доирасида алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган;

*иккинчидан*, Кавказ минтақаси ривожланишининг жадаллиги ҳамда унинг дунёдаги сиёсий ўзгаришларнинг умумий тамойилларини ўрганиш учун «намунавий» хусусиятга эгаллиги;

*учинчидан*, энергетик ресурслар нисбатида Жанубий Кавказдаги геосиёсий муҳит маълум жиҳатдан Марказий Осиёдаги геосиёсий жараёнлар билан боғлиқ. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 27 январь 2010 йилги қўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурилган қуйидаги ғоя, яъни “Минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда бизнинг зиммамизга мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётни сақлаш каби бири-биридан масъулиятли ва кенг кўламли бир қатор вазифалар борки, юртимизнинг, жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги куни ана шу масалаларни қанчалик муваффақият билан ҳал

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 113.

этишимизга боғлиқдир”, деган фикр диссертация мавзуининг минтақамиз учун нечоғлиқ долзарблигини аниқ тавсифлаб беради<sup>1</sup>.

Бу жиҳатдан Жанубий Кавказ ва Марказий Осиёдаги геосиёсий трансформациянинг қиёсий мониторинги нафақат илмий, балки амалий жиҳатдан ҳам жиддий эътиборга моликдир;

*тўртинчидан*, бугунги геосиёсий ўзгаришлар шароитида Жанубий Кавказ давлатлари билан Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар борасида ҳам тавсиялар бериш ва тегишли мулоҳазаларни ўртага ташлашнинг аҳамиятлилиги. Бу ўринда Президент И.А. Каримов ўринли равишда, “бизга елкадош бўлиб, халқимизнинг салоҳияти ва эртанги кунига ишонч билдирган хорижий ҳамкорларимиз билан ҳар томонлама амалий алоқаларни кенгайтириш учун ҳаракатларимизни давом эттирамиз”<sup>2</sup>, деб таъкидлайди.

Қолаверса, янгича дунёвий тартиботнинг шаклланиши, айрим минтақаларнинг сиёсий жиҳатдан фаоллашуви трансформация жараёнларининг кучайиши шароитида Жанубий Кавказнинг ҳам алоҳида геосиёсий мақомга эга бўлаётганлиги тегишли илмий тадқиқотлар ўтказишни талаб этмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жанубий Кавказ сиёсий тадқиқотлар объекти сифатида ХХ асрнинг 80–90-йилларидан бошлаб жаҳон олимларининг эътиборини торта бошлади. Бу эса, аввало, жаҳонда сиёсий жараёнларнинг тубдан ўзгариши, шунингдек, Жанубий Кавказ республикаларининг давлатчилик мақомига эга бўлиши ва, айтиш мумкин, ушбу ҳудудда бирданига бир қанча миллатлараро тўқнашувлар юзага келиши билан боғлиқ эди.

Мазкур ҳолат Кавказ минтақавий тадқиқотларининг сиёсий фандаги нисбатан мустақил йўналиш сифатида шаклланишига олиб келди. Унинг ривожланиши умумий сиёсий тадқиқотлар доирасида бошланди. Бу турдаги тадқиқотларга эса хорижий олимлардан М. Каплан, П. Морган, С. Хоффман ва бошқалар муҳим ҳисса қўшганлар.

Шу борада ХХ асрнинг 90-йилларида Кавказ ва Марказий Осиёни тадқиқ этиш Ғарб сиёсатшунослигида етакчи ўрин эгаллаганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Хусусан, А. Фуллер Каспий минтақаси геосиёсати динамикасини атрофлича тадқиқ этган<sup>3</sup>. К. Яловитц ва С. Корнелл эса Кавказ геодинамикасини танқидий ўрганишган<sup>4</sup>. Р. Катлер ўз мақоласида Жанубий Кавказ энергетик

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 27 январь 2010 й. // Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 18.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи // Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т. 17. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 9.

<sup>3</sup> See: Fuller A. Geopolitical Dynamics of the Caspian Region // Caspian Crossroads Magazine. – 1998. – Summer/Fall. – Vol. 4. – № 1. – P. 223.

<sup>4</sup> See: Yalovitz K., Cornell S.E. The Critical but Perilous Caucasus // Orbis. – New York, 2004. – Winter. – P. 113.

хавфсизлигининг айрим жиҳатларини АҚШ ёндашуви орқали ёритишга ҳаракат қилган<sup>1</sup>. Р. Хаас эса муаммо таҳлилига ҳарбий омиллар нисбатида ёндашган<sup>2</sup>.

Агар хорижий олимлар ўртасида геосиёсат ва геосиёсий жараёнларнинг назарий ва методологик жиҳатлари В.А. Дергачев, В.А. Колосов, Н.С. Мироненко, Н.А. Нартов, Ю.В. Тихонравов ва бошқа олимларнинг илмий асарларида ўз аксини топган бўлса, МДХ доирасида биринчи бор Кавказ геосиёсати тўғрисида К.С. Гаджиев илмий даражада сўз юритганлигини айтиб ўтиш керак<sup>3</sup>. Унинг Кавказ геосиёсати ҳақида ёзган асари ушбу соҳадаги тадқиқотлар учун методологик асос бўлиб қолмоқда. Шу билан биргаликда, А.А. Буров, П. Дарабади, С.С. Жильцов, И.С. Зонн, А.М. Маремкулов, А.М.Ушаков ва бошқалар ҳам ўз асарларида Кавказ геосиёсатининг турли жиҳатларини тадқиқ этишган. Г.Б. Вок эса ўз диссертациясида Шимолий Кавказнинг замонавий геосиёсатини ёритиб беришга ҳаракат қилган<sup>4</sup>.

Тарихий ёндашув нуқтаи назаридан А. Цуциевнинг Кавказ этносиёсий атласи катта аҳамиятга эга<sup>5</sup>. В.А. Авксеньтьев ва А.Р. Аклаевнинг асарлари этник можароларни илмий таҳлил этишга катта ёрдам беради<sup>6</sup>.

Қатор ҳозирги давр тадқиқотларида Кавказ геосиёсатини ўрганишда, албатта, ушбу соҳада марказий ўрин тутган масалалардан бири бўлмиш минтақадаги АҚШ ва Россия қарама-қаршилиги масаласини четлаб ўтиш мумкин эмаслиги исботланади<sup>7</sup>.

Минтақавий геосиёсатни, хусусан, Жанубий Кавказ геосиёсатини ўрганиш, бизнинг маҳаллий шароитда Марказий Осиё геосиёсатини тадқиқ этиш, юқорида зикр этилган минтақа геосиёсати билан минтақамиз геосиёсатини қиёсий таҳлил қилиш ижобий ҳолат ҳисобланади.

Марказий Осиё геосиёсати, хавфсизлиги ва уларнинг унсурлари республикамиз олимларининг кўп сонли илмий ишларида атрофлича таҳлил этилган. Хусусан, проф. А.Р. Раҳманов хавфсизликни уч ўлчамда, яъни миллий,

---

<sup>1</sup> See: Cutler R. Towards Cooperative Energy Security // The South Caucasus. The Real Requirements for Energy Security: a New Triad // Caucasian Regional Studies. – 1996. – № 1. – P. 121.

<sup>2</sup> See: Haas R.N. Military Force: A User's Guide // Foreign Policy. – New York, 1994. – № 96. – P. 21.

<sup>3</sup> См.: Гаджиев К.С. Геополитика Кавказа. – М.: Международные отношения, 2003;

<sup>4</sup> См.: Вок Г.Б. Современная геополитика Северного Кавказа: теоретические и прикладные аспекты: Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Краснодар: Кубанский государственный университет. 2006.

<sup>5</sup> См.: Цуциев А. Атлас этнополитической истории Кавказа (1774-2004). – М.: Европа, 2006.

<sup>6</sup> См.: Авксеньтьев В.А. Этническая конфликтология: в поисках научной парадигмы. – Ставрополь: СГУ, 2001; Аклаев А.Р. Этнополитическая конфликтология: анализ и менеджмент. – М.: Дело, 2005.

<sup>7</sup> См.: Буров А.А. Южный Кавказ начала XXI века: особенности геополитической ситуации // Университетские чтения – 2006. Симпозиум 3. Сек. № 2. Политология и социология. – С. 21-26; Жильцов С.С., Ушков А.М. Политика США в Каспийском регионе: основные итоги и тенденции (после сентября 2001 г.) // Вестник Российского университета дружбы народов. – Сер.: Политология. – М., 2003. – № 4. – С. 81; Зонн И.С., Жильцов С.С. Стратегия США в Каспийском регионе (Большая игра – 2). – М.: Эдель - М, 2003; Игрицкий Ю.И. Россия в меняющемся мире: Геополитические последствия системной трансформации: Аналитический обзор. – М.: Издательство: ИНИОН РАН, 2000; Кушкумбаев С. Каспий на перекрестке геополитических интересов: нефть, политика, безопасность // Caspian. Kazakhstan. – Almaty, 1999. – P. 18; Магеррамов Ч. Каспий – соперничество или сотрудничество? Определился ли статус Каспийского моря? // Ежедневные новости. – 1999. – 3 сент.; Чернявский С.И. Кавказская стратегия Вашингтона // Международная жизнь. – М., 1999. – № 1. – С. 26.

минтақавий ва глобал ўлчамларда амалга оширган<sup>1</sup>. С.М. Гафуров ҳам ўз тадқиқотларида минтақамиз хавфсизлиги ва геосиёсатига катта эътибор қаратган<sup>2</sup>. Р.М. Алимов ўз тадқиқотларида Марказий Осиё хавфсизлиги ва геосиёсатига комплекс жиҳатдан ёндашган<sup>3</sup>. Ф. Толипов ўзининг кенг доирадаги тадқиқотларида Марказий Осиё геосиёсати, хавфсизлиги ва ундаги интеграциявий жараёнларга алоҳида эътибор қаратган<sup>4</sup>.

Юқорида изоҳлаб ўтилган ҳолатлар тадқиқот мавзусининг бугунги кунга қадар комплекс таҳлил этилмаганлигидан ва, энг асосийси, унинг республикамизда янги илмий йўналиш эканлигидан далолат беради.

**Диссертация ишининг илмий тадқиқот – ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган ва Университет Илмий кенгашининг 2005 йил 25 майдаги йиғилишида тасдиқланган (баённома 5-сонли).

**Тадқиқот объектини** биполяр тизимдан кейинги Жанубий Кавказдаги геосиёсий муносабатлар тизими ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** Жанубий Кавказнинг геосиёсий минтақа сифатида шаклланиши ва минтақадаги геосиёсий муҳитнинг ўзига хослиги, шунингдек, Жанубий Кавказда янгича геосиёсий трансформацияни ўзида акс эттирган сиёсий жараёнлардан иборат.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Жанубий Кавказ минтақасидаги геосиёсий жараёнлар ҳамда минтақадаги янгича геосиёсий трансформация билан боғлиқ муносабатлар тизимини атрофлича таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги *вазифаларни* бажариш белгиланган:

- геосиёсий трансформация тушунчасининг назарий ва сиёсий тавсифини бериш;
- Жанубий Кавказдаги геосиёсий трансформация жараёнларининг асосий кўрсаткичлари (параметрлари)ни ўрганиш;
- Жанубий Кавказ геосиёсатининг ўзига хос жиҳатларини асослаб бериш;
- етакчи хорижий давлатларнинг Жанубий Кавказ минтақасида геосиёсий манфаатлари ва интилишларини таҳлил қилиш;

---

<sup>1</sup> Раҳманов А.Р. Проблемы безопасности на национальном, региональном и глобальном уровнях (международно-правовые аспекты). – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001; Раҳманов А.Р. Международно-правовые аспекты обеспечения всеобъемлющей национальной безопасности Республики Узбекистан: Автореф. дис. ... д-ра. юрид. наук. – Т.: ТГЮИ, 2002.

<sup>2</sup> Гафуров С.М. Национальная, региональная и глобальная безопасность: роль и место арабских государств Персидского залива и Республики Узбекистан: Монография. – Т.: Zar-Qalam, 2005; Гафуров С. М. Хавфсизлик стратегияси: Марказий Осиё ва Форс кўрфази давлатлари амалиёти: Монография. – Т.: Алишер Навоий номли Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.

<sup>3</sup> Алимов Р.М. Центральная Азия: Общность интересов. – Т.: Шарқ, 2005; Центральная Азия: геэкономика, геополитика, безопасность / Ред. колл.: Р.М. Алимов, Ш.Р. Арифханов и др. – Т.: Шарқ, 2002.

<sup>4</sup> Толипов Ф. Большая стратегия Узбекистана в условиях геополитической и идеологической трансформации трансформации Центральной Азии. – Т.: Фан, 2005.

– етакчи давлатларнинг Жанубий Кавказ геосиёсатидаги ўрнини тавсифлаш;

– Жанубий Кавказ геосиёсатига таъсир этувчи хавф-хатар ва таҳдидларни аниқлаш;

– минтақадаги этносиёсий тўқнашувлар ва уларнинг Жанубий Кавказдаги давлатлараро муносабатларга таъсирини ўрганиш;

– Жанубий Кавказ геосиёсатида энергетик ресурслар омилининг ўрнини таҳлил қилиш.

**Тадқиқот гипотезаси.** «Совуқ уруш» тугаши билан жаҳонда юзага келган янги дунёвий тартибот шароитида Жанубий Кавказ геосиёсий минтақа сифатида шаклланди ва минтақадаги геосиёсий трансформация ўзига хос тарзда тадрижий ривожини топиб келмоқда.

Жанубий Кавказдаги геосиёсий муҳит, аввало, минтақа давлатлари: Арманистон, Грузия ва Озарбайжон томонидан олиб борилаётган ташқи сиёсий фаолият ҳамда минтақавий ва халқаро акторларнинг Жанубий Кавказдаги геосиёсий манфаатлари билан белгиланади.

**Тадқиқот методларини** мантиқий, қиёсий-сиёсий, тизимли-тузилмавий, тизимли-типологик, тарихий, ташкилий усуллар ва таҳлил ва синтез усуллари ташкил қилади.

**Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар** диссертациянинг квинтэссенциясини ташкил қилувчи қуйидаги мулоҳазаларда намоён бўлади:

– глобал трансформациявий таҳдидлар, дунё тузилишининг икки қутбли геосиёсий модели трансформацияси натижасида юз берган ҳамда дунёдаги кучлар тақсимооти борасида рўй берган ўзгаришларга, шунингдек, дунё сиёсати акторларининг янги «ўйин қоидалари» ўрнатилишига ва ҳозирги маънодаги глобаллашув юз беришига ва, шу аснода, цивилизациялараро, маданиятлараро ва динлараро муносабатларнинг кескинлашувига олиб келган ҳамда жаҳон, минтақа, давлатлараро даражада ҳам, давлатнинг ички даражасида ҳам сиёсий, иқтисодий, геостратегик муносабатларга жиддий таъсир кўрсатган туб ўзгаришлар мажмуидир;

– геосиёсий трансформация ҳозирги даврда икки қутб – Шарқ ва Ғарб қарама-қаршилиги даврига, икки қутбли геосиёсий модель фаолият кўрсатган даврга хос бўлган барқарорлик ва прогноз имкониятининг амалда йўқолиши билан ажралиб туради. Бунинг оқибатида янги куч марказларининг иззатталаблик билан интилишлари, этник, диний, ҳудудий зиддиятлар билан боғлиқ сайёравий ва минтақавий беқарорликнинг кучайиши юз бермоқда. Бунинг натижасида изчиллик ва тартиб йўқолди, бу эса кўпинча мазкур трансформациянинг бетартиб ва натижасини олдиндан айтиб бўлмайдиган қонли оқибатларига, Жанубий Кавказ мамлакатлари четлаб ўта олмаган ва ўта олмаётган геосиёсий курашнинг тобора кескинлашувига олиб келмоқда;

– Собиқ СССР даврида ишлатилиб келинган «Кавказ орти» – «Transcaucasus» атамасини сиёсий жиҳатдан нейтрал ва жуғрофий жиҳатдан

аниқроқ бўлган «Шимолий Кавказ» ва «Жанубий Кавказ» атамалари билан алмаштиришни тавсия этамиз. Назаримизда, Жанубий Кавказ деганда, Кавказнинг соф минтақавий-географик тушунчаси, яъни катта Кавказ тизмасидан жанубда жойлашган минтақа назарда тутилади. Жанубий Кавказни учта давлат – Арманистон, Грузия ва Озарбайжонни ўз ичига олган Евроосиёнинг алоҳида бир геосиёсий минтақаси сифатида таърифлаймиз;

– Жанубий Кавказ геосиёсатининг трансформацияси кўпроқ минтақа давлатлари томонидан эмас, балки ташқи ва минтақавий буюк давлатлар томонидан амалга оширилмоқда. Жанубий Кавказ республикаларида трансформация жараёнлари давомида тарихий, ижтимоий-сиёсий ривожланиш хусусиятлари билан ҳам, Ғарб (АҚШ, ЕИ) ёки Шарқ (Туркий, Эрон, Россия)нинг моддий, молиявий ёки сиёсий кўмаги тарзидаги ташқи омиллар таъсири билан ҳам боғлиқ умумий қонуниятлар аниқланмоқда. Бу кўпроқ Жанубий Кавказ республикалари умумий геостратегик ва геосиёсий интилишларга эга эмаслиги, оқибатда, улар ҳар хил ташқи геосиёсий қутблар ўртасида мувозанат сақлашга мажбур бўлаётганликлари билан боғлиқ;

– энергия манбалари АҚШнинг Жанубий Кавказ минтақасида олиб бораётган сиёсатидан кўзланган асосий мақсад эмас. Нефть ва унинг ташилиш йўналишларини назорат қилиш АҚШ сиёсатининг бир воситаси, холос. АҚШнинг Болқон яриморотида, Жанубий Кавказда ва Марказий Осиёда жойлашиб олиш учун қилаётган ҳаракатларини Россиянинг унинг Эрон ва Хитой билан ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган уринишларига панд бериш мақсадида ўзига хос «камар» яратишга бўлган интилиши сифатида баҳолаш мумкин;

– Туркиянинг Жанубий Кавказ ва Марказий Осиёдаги, шунингдек, Россиянинг Шимолий Кавказ минтақасидаги ташқи сиёсати АҚШ билан узвий боғлиқликда амалга оширилмоқда. АҚШ ва Туркиянинг асосий геосиёсий вазифаси Россиянинг Шимолий Кавказдаги ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий мавқеини сусайтиришдан, Россияни Шимолий Кавказ минтақасига муносабатда ички сиёсатдан Жанубий Кавказнинг янги мустақил давлатларига қўлланилаётган ташқи сиёсатга ўтиш учун мажбур қилишдан иборат;

– Кавказ Россия учун ниҳоятда катта геостратегик аҳамиятга эга, Россиянинг ушбу минтақада миллий манфаатларини химоя қилиш сиёсий стратегиясининг шаклланиши ва амалга оширилиши эса муҳим муаммо бўлиб, унинг ҳал этилиши Россия Федерациясининг миллий хавфсизлигини муваффақиятли таъминлашга имкон яратади;

– Жанубий Кавказ давлатлари геосиёсатининг янги геосиёсий вазиятга мослашуви ва трансформацияси йўлидаги асосий ғовлар қуйидагилардан иборат: *биринчидан*, Жанубий Кавказ давлатларининг маъно ва мазмун жиҳатдан ҳар хил бўлган миллий хавфсизлик концепциялари натижасида минтақада де-факто «ажратувчи чизиқлар» юзага келган бўлиб, улар тобора чуқурлашиб бормоқда; *иккинчидан*, Жанубий Кавказ давлатларининг объектив

эҳтиёжлари билан ушбу мамлакатлар ҳокимиятларининг минтақавий интеграция ва ҳамкорлик борасидаги ҳақиқий истаклари ўртасидаги фарқлар; *учинчидан*, бевосита қўшни давлатлар – Туркия, Россия, Эрон манфаатлари ҳамда уларнинг Жанубий Кавказда олиб бораётган сиёсати минтақа ичидаги интеграция ва ҳамжихатлик жараёнларига самарали таъсир кўрсатишга ёрдам бермаяпти ёки халал бермоқда.

**Ишнинг илмий янгилиги:**

- геосиёсий трансформация тушунчасининг илмий-назарий асослари ҳамда унинг амалий жиҳатлари билан боғлиқ сиёсий жараёнлар таҳлил этилган;
- глобал трансформациявий таҳдидлар тушунчасининг тавсифи берилган ва уларнинг геосиёсий жараёнлардаги тутган ўрни ўрганилган;
- геосиёсий трансформациянинг Жанубий Кавказ минтақасидаги шаклланиши, намоён булиши ва бугунги ҳолати таҳлил қилинган;
- Жанубий Кавказ минтақасидаги геосиёсий жараёнлар жаҳон сиёсатининг объекти сифатида тадқиқ этилган ҳамда халқаро акторларнинг минтақадаги манфаатлар кўлами ўрганилган;
- минтақадаги миллий ҳудудий сепаратизм ва этносиёсий ихтилофларнинг геосиёсий тавсифи берилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий аҳамияти** шундаки, унда тўпланган ва назарий жиҳатдан умумлаштирилган материалдан республикамизнинг ташқи сиёсий фаолиятини амалга оширишда, хусусан, мамлакатимиз билан Жанубий Кавказ республикалари ўртасидаги халқаро муносабатларнинг долзарб муаммолари, жумладан, Жанубий Кавказ, Каспий денгизи ва Марказий Осиёнинг мақомини белгилаш масалаларидаги қарашларини яқинлаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотларда келтирилган хулоса ва таклифларни илмий жамоатчилик геосиёсат, геосиёсий трансформация ва Жанубий Кавказ мақомига оид айрим масалалар, шунингдек, Жанубий Кавказ мамлакатларининг Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатидаги ўрни масаласини назарий жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқ этиш жараёнида қўллаши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти** унинг халқаро муносабатлар амалиёти, Ўзбекистон Республикасининг жаҳондаги турли давлатлар, жумладан, Жанубий Кавказ республикалари билан алоқаларини мустаҳкамлаш ва мақбуллаштириш борасидаги долзарб вазифаларни амалга ошириш билан бевосита боғлиқлигида, Жанубий Кавказ геосиёсатидаги асосий муаммоларнинг аниқланганлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижалари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Жамоавий хавфсизлик шартномаси ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг функционал бўлинмалари, шунингдек, бошқа халқаро ҳамда миллий ташкилот ва муассасалар, илмий тадқиқот институтлари ҳамда жаҳон ва

Ўзбекистон сиёсатининг шаклланиш ҳамда амалга ошиш жараёнига жалб этилган жамғармаларнинг кундалик амалий фаолиятида қўлланиши мумкин.

**Натижаларнинг жорий этилиши.** Тадқиқотнинг натижалари Жанубий Кавказ мамлакатлари, шунингдек, дунё давлатларининг Жанубий Кавказ минтақасининг янги геосиёсий мақомини белгилаш борасидаги қарашларини яқинлаштиришга йўналтирилган бир қатор амалий таклифларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш учун тавсия этишга имкон берди. Шу мақсадда БМТ Хавфсизлик Кенгаши қошида Жанубий Кавказ мақомини тартибга солиш, Каспий денгизининг мақомини шартномавий-хуқуқий нуқтаи назардан тартибга солиш, шунингдек, Каспий минтақасини тинчлик ва қуролсизланиш зонаси деб эътироф этиш билан боғлиқ таклифларни амалга ошириш доимий ишловчи алоқа гуруҳини ташкил қилиш таклиф этилди.

Тадқиқот натижалари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиди «Сиёсатшунослик» ва «Геосиёсат» ўқув фанларидан дарс бериш жараёнида қўлланилмоқда.

**Ишнинг синовдан ўтганлиги.** Диссертация Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг «Халқаро муносабатлар» ва «Сиёсатшунослик» кафедраларининг кенгайтирилган мажлисида (2009 йил 9 сентябрдаги № 2 – сонли баённома), Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги 23.00.04 – Халқаро тизимлар ва жаҳон тараққиётининг сиёсий муаммолари мутахассислиги бўйича Илмий семинарда (2010 йил 13 январдаги 7 – сонли баённома) муҳокама қилинган ва синовдан ўтган.

Диссертациянинг асосий ғоя ва хулосалари халқаро ва республика миқёсида ўтказилган қуйидаги илмий-амалий конференцияларда маърузалар сифатида баён этилган: Боку (2008, февраль), Тошкент (ЖИДУ – декабрь, 2005, ЖИДУ – май, 2007, ЖИДУ – май, 2008, ТДШИ – декабрь, 2008, ТДШИ – март, 2009).

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқотнинг асосий илмий хулосалари ва амалий натижалари 4 та илмий журнал ҳамда 5 та республика илмий-амалий конференцияларининг мақолалар тўпламларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, етти та параграфни қамраб олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация 158 бетда компьютерда терилган матндан иборат. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 14 бетда жойлашган бўлиб, 161 та манбани қамраб олган. Иловалар 3 бетда расмийлаштирилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** тадқиқотнинг долзарблиги илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси белгиланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети, мақсад ва вазифалари аниқлаштирилган, тадқиқот гипотезаси илгари сурилган, назарий-методологик базаси ёритилган,

химояга олиб чиқилаётган асосий қоидалар баён қилинган, ишнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти баён этилган.

**“Жанубий Кавказдаги геосиёсий трансформациянинг ўзига хослиги”** деб номланган биринчи бобда геосиёсий трансформация – сиёсатшуносликнинг муҳим категорияси сифатида тадқиқ этилган, унинг асосий ўлчам ва омиллари атрофлича таҳлил қилинган, Жанубий Кавказ архитектурасининг дунёнинг муҳим минтақаси сифатидаги геосиёсий трансформацияси ёритилган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи **“Геосиёсий трансформация тушунчасининг назарий таҳлили”** деб номланган. Унда геосиёсий трансформация тушунчаси таҳлил этилган, унинг асосий ўлчам, омил ва таърифлари тадқиқ этилган.

Ҳозирги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар туб тузилмавий ислохотларни тавсифлашда қўлланиладиган «трансформация» (лотинча transformare – ўзгартириш, айлантириш)<sup>1</sup> тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Шу билан бирга, сиёсатшунослик фанида «геостратегия» ва «геостратегик трансформация» тушунчалари мавжудлигини таъкидлаш зарур.

Жаҳон геосиёсий харитасининг трансформацияси геосиёсий тузилманинг XX–XXI аср чегарасида юз берган ҳамда геосиёсий таҳдидларни келтириб чиқарган ва истисносиз дунёнинг барча давлатларидаги сиёсий модернизация жараёнларига таъсир кўрсатган ва кўрсатаётган ўзгаришлари билан боғлиқ<sup>2</sup>.

Геосиёсий трансформациянинг кутилаётган пировард натижалари ва белгилари қуйидагилардан иборат:

*биринчидан*, юзага келган ва жамиятнинг юксак даражадаги турмуш қобилятини қўллаб-қувватлашга, ўзига хос «одамлар учун жамият» шакллантиришга имкон берувчи геосиёсий вазият;

*иккинчидан*, ҳудудий чегараларнинг яхлитлиги ва бузилмаслиги, миллий-давлат суверенитетининг барқарорлиги, жамият иқтисодий ривожланишининг нисбатан мустақиллиги;

*учинчидан*, ижтимоий тизимнинг барқарорлиги – унинг ҳар қандай ташқи таъсирни қабул қила олиши, салбий қувватни ўз тадрижий ривожланиши нуктаи назаридан ижобий қувватга ўзгартира олиши ва айни вақтда, ўз тузилиши, асосий кўрсаткичлари, шунингдек, ривожланиш суръатлари ва хусусиятини сақлаб қола олиши;

*тўртинчидан*, тизимнинг очиқлиги, атроф (ижтимоий ва табиий) муҳит билан фаол ўзаро таъсирни амалга ошириши, айни вақтда, барқарорликни сақлаб қолишга ва бошқа тизимлар эвазига янада ривожланишга қодирлиги;

*бешинчидан*, ижтимоий тизимнинг ўз ташкилий тузилишини ўзгартириб бораётган шароитларга мувофиқ такомиллаштириб боришга имкон берувчи мослашиш қобиляти.

<sup>1</sup> Краткий политологический словарь. – М.: Спарк, 2001. – С. 98.

<sup>2</sup> Яшкова Т.А. Политическая модернизация в условиях глобальных трансформационных вызовов: Монография. – М.: МАКС Пресс, 2007. – С. 6.

**“Геосиёсий ўзгаришлар шароитида Жанубий Кавказ ва унинг архитектураси”** номли иккинчи параграфда Жанубий Кавказ геосиёсий минтақа сифатида чегаралаб берилган, минтақа архитектурасининг замонавий тузилиши атрофлича таҳлил қилинган.

1991 йилда Совет Иттифоқининг ва бутун икки қутбли дунё тизимининг парчаланиши Евросиё маконида геосиёсий ўзгаришларни бошлаб берди ва, А. Шарабхянян тўғри таъкидлаганидек, «собиқ Иттифоқ таъсир соҳасининг бутун периметри бўйича бир қатор «пасайтирилган хавфсизлик» ва «вакуум лакуналари» зоналарини»<sup>1</sup> яратди. Ана шундай зоналардан бири, шубҳасиз, Жанубий Кавказдир. СССРдан ажралиб чиққан Жанубий Кавказ ҳудудида учта мустақил давлат шаклланди. СССРнинг парчаланиши «Кавказда тарихан қарор топган геосиёсий ва стратегик мувозанатнинг бузилишига»<sup>2</sup> олиб келди.

«Жанубий Кавказ» – соф минтақавий-географик тушунча бўлиб, у Кавказнинг Катта Кавказ тизмасидан жанубда жойлашган минтақаси<sup>3</sup>. Минтақанинг стратегик жойлашуви икки омил билан: биринчидан, Европа, Осиё ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқ кесишган жойдаги қулай географик жойлашуви билан, иккинчидан, Каспий денгизи шельфидаги нефть ва газ захиралари билан белгиланади.

Жанубий Кавказни учта давлат – Арманистон, Грузия, Озарбайжонни ўз ичига оладиган алоҳида геосиёсий Евросиё минтақаси сифатида таърифлаймиз.

Жанубий Кавказ геосиёсатининг трансформацияси қуйидагиларда намоён бўлади:

*биринчидан*, Жанубий Кавказ Ғарб ва Шарқ кесишган чизик бўлиб, геостратегик жиҳатдан муҳим зона ҳисобланади;

*иккинчидан*, Жанубий Кавказ республикаларида трансформация жараёни давомида ҳам тарихий ва ижтимоий-сиёсий ривожланиш хусусиятлари билан, ҳам Ғарб ёки Шарқнинг моддий, молиявий ёки сиёсий кўмаги тарзидаги ташқи омиллар таъсири билан боғлиқ бўлган умумий қонуниятлар аниқланмоқда;

*учинчидан*, Жанубий Кавказ геосиёсати латентлигича қолмоқда. Жанубий Кавказ геосиёсатининг трансформациясини ушбу минтақа мамлакатлари эмас, балки ташқи ва минтақавий буюк давлатлар амалга оширмоқда;

*тўртинчидан*, Жанубий Кавказ республикалари умумий геостратегик ва геосиёсий интилишларга эга эмас, оқибатда, улар ҳар хил ташқи геосиёсий қутблар ўртасида мувозанат сақлашга мажбур бўлмоқдалар;

*бешинчидан*, Жанубий Кавказ, айниқса, Каспийбўйи минтақаси кўплаб буюк давлатларнинг, аввало, минтақадаги энергия манбаларини назоратга олиш учун қаратилган стратегик манфаатлари тўқнашаётган майдон бўлиб қолмоқда;

<sup>1</sup> Шарабхянян А. Армяно-российское военно-политическое сотрудничество как фактор геополитической стабильности на Южном Кавказе // <http://www.mitq.org/print/?l=rus&dir=2&news=83>. – 2007. – 13 апр.

<sup>2</sup> Another Despotism Seeks to Infiltrate the West // International Herald Tribune. – London, 1993. – 9 September.

<sup>3</sup> Буров А.А. Южный Кавказ начала XXI века: особенности геополитической ситуации // Университетские чтения – 2006. Симпозиум 3. Сек.№ 2. Политология и социология. – С. 22.

*олтинчидан*, ички минтақавий интеграциянинг шубҳасиз тийиб турувчи омили Жанубий Кавказ мамлакатларининг этносиёсий ва ҳудудий тўқнашувлар салоҳиятидир.

Умуман олганда, Жанубий Кавказдаги геосиёсий вазият ва унинг ривожланишига ҳозирги пайтда минтақада бир қатор давлатлараро ва миллатлараро манфаатларнинг тўқнашуви, этносиёсий ва ҳудудий можаролар динамикаси, янги ички минтақавий, минтақалараро ва глобал даражаларда минтақа ресурслари устидан назорат ўрнатиш учун давом этаётган рақобат билан бир қаторда Жанубий Кавказнинг янги мустақил давлатлари шаклланиши билан боғлиқ муаммолар ҳам ҳосдир.

**“Глобал ва минтақавий акторларнинг Жанубий Кавказдаги геосиёсий фаолиятлари”** номли иккинчи бобда АҚШнинг Жанубий Кавказдаги геосиёсий мақсадлари ва уларнинг трансформацияси, Россия Федерациясининг Жанубий Кавказдаги геосиёсий манфаатларининг XX аср якуни ва XXI аср бошидаги трансформацияси ҳамда Кавказ минтақавий акторлари – Туркия ва Эроннинг Жанубий Кавказдаги геосиёсатининг долзарб жиҳатлари таҳлил ва тадқиқ этилган.

Бобнинг **“АҚШнинг Жанубий Кавказдаги геосиёсий мақсади ва унинг трансформацияси”** номли биринчи параграфида АҚШнинг Жанубий Кавказ минтақасига нисбатан ташқи сиёсатининг шаклланиши ва ҳозирги кундаги ҳолати, унинг минтақага нисбатан геосиёсий мақсадлари ва минтақа давлатларига нисбатан геосиёсий таъсир доираси атрофлича тадқиқ этилган.

Геосиёсий манфаатлар АҚШнинг Жанубий Кавказдаги энг муҳим мақсадларига киради. Масалан, АҚШнинг расмий фикрига кўра, Америка стратегиясининг Жанубий Кавказдаги бош мақсади – минтақавий ҳарбий мувозанатни сақлаб қолиш ва гегемонистик интилишларга эга бўлган буюк давлатлар пайдо бўлишига йўл қўймаслик. Ж. Най АҚШнинг етакчилиikka бўлган даъвосини асослаб, қуйидагиларни таъкидлайди: «АҚШ Осиё ва Тинч океани минтақасида етакчилик қилишга маҳкум. Бизнинг миллий манфаатларимиз унинг муаммоларига чуқур кириб боришни талаб қилади... Хавфсизликни сақлаб қолиш ва равнақ топтириш учун кейинги 20 йил давомида АҚШ аввалгидек тинчликни сақлаш, иттифоқчилик мажбуриятлари ва дўстликка асосланиб, Осиё ишларида фаол иштирок этиши керак. Биз айнан шундай қилиш ниятидамиз»<sup>1</sup>.

АҚШ Жанубий Кавказда аввало қуйидаги сиёсий мақсадларни кўзлайди:

- а) Каспий нефть ва газ захираларидан фойдаланишда Россиянинг иштирокини чеклаш ва уни минтақа транспорт йўлларида ажратиб қўйиш;
- б) Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё республикаларини АҚШнинг сиёсий таъсир доирасига олиш орқали Россия билан Хитой ўртасида ўзига хос «бўшлик зонаси»ни яратиш;

---

<sup>1</sup> Nye J. The case for deep engagement // Foreign Affairs. – 1995. – July/August. – P. 102.

в) Эронни сиёсий ва иқтисодий жихатдан ажратиб қўйишни давом эттириш ва, айна вақтда, Туркиянинг минтақадаги мавқеини мустаҳкамлаш.

Бундан ташқари, шуни таъкидлаш жоизки, АҚШ Жанубий Кавказда ҳарбий-сиёсий мақсадни ҳам кўзламоқда. Бу эса Россия атрофида Шарқий ва Марказий Европа, Кавказ ва Марказий Осиёдан иборат «санитар кордонини» яратишдир. Шундай қилиб, АҚШнинг Жанубий Кавказдаги геосиёсати унинг глобал геостратегик мақсадларига бўйсундирилган бўлиб, АҚШнинг етакчи мавқеини сақлаб қолиш ва, айна вақтда, Россия билан Хитойни зарарсизлантириш мақсадларига хизмат қилади.

**“Россия Федерациясининг Жанубий Кавказдаги геосиёсий манфаатлари эволюцияси”** номли иккинчи параграфда Жанубий Кавказ геосиёсатининг анъанавий ва марказий акторларидан бири бўлмиш – Россиянинг ушбу минтақадаги геосиёсати хусусиятлари ва унинг XX аср якуни ва XXI аср бошида трансформацияси хусусиятлари тадқиқ этилган.

90-йиллар охири ва 2000 – йиллар бошларида Кавказ сиёсатининг асосий ўйинчилари вазиятида жуда муҳим геосиёсий ўзгаришлар юз берди. Улар орасида энг асосийлари собиқ Иттифоқнинг парчаланиши, Жанубий Кавказда учта мустақил республика – Озарбайжон, Арманистон ва Грузиянинг юзага келиши, шунингдек, СССРнинг асосий вориси бўлган Россиянинг илгари Иттифоқ эга бўлган империячилик мавқеини йўқотишидир. Айрим “Россия бўйича мутахассислар” барчани «... айнан Россиянинг ҳеч қачон ўзининг узвий таркибий қисми бўлмаган Кавказдан кетишга тайёрлиги жаҳон ҳамжамияти томонидан Россиянинг қабих империяпарастлик анъаналаридан воз кечганлигининг асосий далили сифатида баҳоланмоғи лозим»<sup>1</sup> эканлигига ишонтиришга уриндилар.

Россия учун Кавказ жуда катта геостратегик аҳамиятга эга, Россиянинг ушбу минтақадаги миллий манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат сиёсий стратегиянинг шаклланиши ва амалга оширилиши эса муҳим муаммо бўлиб, унинг ҳал этилиши Россия миллий хавфсизлигининг муваффақиятли таъминланишига имкон беради.

Россиянинг Жанубий Кавказга нисбатан бўлган ташқи сиёсати ҳозирги кунга келиб навбатдаги трансформацияга учрамоқда. Бунда Россия Арманистон билан стратегик муносабатларда бўлса, Озарбайжон билан ўзаро ҳамкорликда, Грузия билан эса стратегик ва ҳарбий қарама-қаршиликда бўлмоқда. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, Россиянинг Жанубий Кавказ борасидаги ҳозирги ташқи сиёсати аналитик ва стратеглар 3 йил олдин белгилаб берган режалардан йироқдир. Шу сабабли, Россия ҳозирги кун воқелигини ҳисобга олиб, Жанубий Кавказ минтақасига нисбатан янги ташқи сиёсий стратегияни ишлаб чиқмоғи лозим. Бундай стратегия, минтақадаги нисбатан ташқи кучлар манфаати мавжудлигини тан олиш, минтақа давлатларининг тўлиқ

---

<sup>1</sup> Плацдарм. – М., 2001. – № 2. – Апрель-июнь. – Б. 103.

мустақиллигини идрок этиш ва улар билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш йўли билан минтақада ўз ўрнига эга бўлиш ва шу орқали уларни ўзига боғлаб қўйиш вазифаларидан иборат бўлиши лозим.

Минтақа давлатларининг айримлари билан ҳарбий-стратегик ҳамкорликда (Арманистон), айримлари билан эса ҳарбий-стратегик қарама-қаршиликда (Грузия) бўлиш Россиянинг минтақага янада яқинроқ кириб бориш вазифасига мос келмайди. Шу сабабли ҳам, минтақанинг барча давлатлари билан бир хил равишда алоқада бўлиш Россиянинг Жанубий Кавказ борасидаги ташқи сиёсатининг асосий унсурига айланмоғи лозим.

Иккинчи бобнинг *“Минтақавий акторлар – Туркия ва Эроннинг Жанубий Кавказдаги геосиёсати”* номли охириги – учинчи параграфида Жанубий Кавказнинг анъанавий минтақавий акторлари – Туркия ва Эроннинг минтақа ва ундаги давлатларга нисбатан геосиёсати ҳамда бу геосиёсатнинг трансформацияси таҳлил қилинган.

Жанубий Кавказ республикалари Россия бозорини йўқотгач, уларга жуғрофий жиҳатдан яқин бўлган Яқин ва Ўрта Шарқ давлатлари билан ҳамкорлик қилишга киришдилар. XX аср 90-йилларининг иккинчи ярмида Туркия Озарбайжоннинг ташқи савдосида Эрондан кейинги иккинчи ўринга чиқди, мамлакат иқтисодиётига Туркия сармояларининг ҳажми эса 1992–1998 йилларда 15 млрд. долларга етди. Грузиянинг ташқи савдо айланмасида Туркиянинг ҳиссаси ўша даврда уч барабар кўпайди ва 22 %дан ортди. Маълум цивилизациявий фарқларга қарамай, Арманистоннинг ташқи савдодаги асосий шериги Эрон бўлди<sup>1</sup>.

Келтирилган далиллар Туркия ва Эроннинг Жанубий Кавказ геосиёсатидаги ўрнини кўрсатувчи ишончли кўрсаткичлардир.

1991 йилда СССР парчаланганидан сўнг Туркия Кавказ геосиёсатига қайтди. Бундай «қайтишга», биринчидан, минтақада мустақил туркийзабон давлат – Озарбайжон Республикасининг юзага келиши ва Шимолий Кавказ туркийзабон халқларининг этномиллий ўз тақдирини ўзлари белгилашлари, иккинчидан эса, Туркиянинг ўзида кўп сонли «Кавказ диаспорасининг» мавжудлиги имкон яратди. Бу босқичда Туркия Адриатика денгизидан Хитойгача чўзилган ҳамда Марказий Осиё республикалари, Кавказ, Қора денгиз бўйи ва Болқон яриморолени ўз ичига оладиган минтақада етакчилик қилишга интилди.

Туркиянинг 1991 йилдаги орзуси – минтақада етакчи давлат бўлиш режаси – амалга ошмай қолди. Бу муваффақиятсизлик Тоғли Қорабоғ можаросида ҳамда нефть ва газ қувурлари бўйича музокаралардаги Туркия сиёсатида янада ёрқин намоён бўлади. Иккала ҳолда ҳам кутилган натижалар билан реал имкониятлар ўртасидаги фарқ аниқ кўзга ташланди.

---

<sup>1</sup> Языкова А. Южный Кавказ и Россия: уравнение со многими неизвестными // <http://magazines.russ.ru/vestnik/2007/19/ia15.html>. – 2007. – 19 марта.

Айтиш мумкинки, ҳозирги кунга келиб Туркия ташқи сиёсатида, айниқса, унинг Жанубий Кавказга қаратилган компонентининг пантуркизм ва пантуронизм ғоялари ниқобланган ҳолда, яққол кўрсатилмай амалга оширилмоқда. Озарбайжон Республикасининг буюк давлатлар манфаатлари ўртасида ўз сиёсатини амалга ошириши, бирор бир томонга жуда ҳам оғиб кетмаслиги ва, энг асосийси, нефть ва газ ресурслари ҳисобида ўзининг мустақил ташқи сиёсатини юритиш имкониятига эга эканлиги Туркиянинг минтақага нисбатан бўлган ташқи сиёсий интилишларини анчагина чеклаб қўйди.

Эроннинг Жанубий Кавказдаги ўзаро фойдали муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштиришга қаратилган сиёсати Жанубий Кавказ минтақасининг иқтисодий ривожланиши, сиёсий барқарорлиги ва хавфсизлигига имкон яратувчи энг муҳим омил ҳисобланади.

Эрон Жанубий Кавказдаги учта давлат – Озарбайжон, Грузия ва Арманистоннинг борган сари Ғарб томонга яқинлашаётганидан қаноатлана олмайди. Аммо Эрон ҳам ўз ички ҳудуди устидан ўрнатилган назорати заифлашиб бораётганлигини кўриб, қараб турмайди, албатта. Шу боис, у Ҳинд океанидан собиқ Иттифоқ маконигача чўзилган транспорт йўлагининг ажралмас қисмига айланишга уринмоқда. Эрон, худди Россия каби, АҚШ таъсирининг кенгайишидан манфаатдор эмас. Аммо ЭИР ва РФ давлатларининг ўз мувофиқлашган сиёсати ҳақида келишиб олишга ҳозирча имконлари бўлмади.

**“Жанубий Кавказ: мавжуд муаммолар ва минтақа геосиёсатининг истиқболлари”** деб номланган учинчи бобда Тоғли Қорабоғ можароси мисолида этносиёсий низоларнинг Жанубий Кавказ геосиёсатига таъсири ҳамда Каспий денгизи ва унинг энергетик ресурсларининг бугунги кунда Жанубий Кавказ геосиёсатида тутган ўрни тадқиқ ва таҳлил этилган.

**“Этносиёсий низолар ва уларнинг минтақа геосиёсатига таъсири”** номли биринчи параграфда низо ва можарошуносликнинг долзарб жиҳатлари, жумладан, этномиллий можаролар, бу турдаги можароларнинг алоҳида минтақаларга, хусусан, Жанубий Кавказ геосиёсатига таъсири аниқ муайян низо – Тоғли Қорабоғ можароси мисолида атрофлича ёритилган.

Жанубий Кавказда этник бирликларнинг мақомини белгилаш борасида кўплаб баҳс-мунозаралар мавжудлигига қарамай, қуйидаги учта низо, яъни Тоғли Қорабоғ, Грузия–Осетия, Грузия–Абхазия низолари бу минтақадаги бутунлай тўлиқ шаклланган этносиёсий низолар ҳисобланади. Айтиш лозимки, учала низо ичида Тоғли Қорабоғ можароси ҳақиқатан ҳам Жанубий Кавказга тааллуқлидир, қолган иккитасини аксарият олимлар ва сиёсатшунослар кўпроқ Шимолий Кавказга тааллуқли деб ҳисоблайди. «Арманистон ва Озарбайжон ўртасида Тоғли Қорабоғ туфайли келиб чиққан низо Жанубий Кавказдаги

тинчлик ва барқарорлик йўлидаги энг катта тўсиқдир»<sup>1</sup>, деб тўғри таъкидланади.

Жанубий Кавказдаги низоларни ҳал қилиш, пировард натижада, минтақанинг сиёсий ва иқтисодий интеграцияси учун асос сифатидаги демократик барқарорликни таъминлаш имкониятларини кўриб чиқаётганда Тоғли Қорабоғ низоси минтақанинг асосий низоси эканлигини инобатга олиш зарур. Чунки:

– Абхазия ва Жанубий Осетия низоларидан фарқли равишда, Жанубий Кавказ минтақаси давлатларининг учтасидан иккитаси – Арманистон ва Озарбайжон – Тоғли Қорабоғ низосининг бевосита тарафлари ҳисобланадилар;

– минтақавий интеграция йўлидаги сезиларли тўсиқ бўлмаган Абхазия ва Жанубий Осетия низоларидан фарқли ўлароқ, Тоғли Қорабоғ низоси Жанубий Кавказнинг минтақавий интеграцияси, шунингдек, ягона халқаро минтақавий дастурларни ҳамда умумминтақавий йўналишдаги инвестицияларни амалга ошириш учун жиддий тўсиқ ҳисобланади;

– Тоғли Қорабоғ низоси Жанубий Кавказ коммуникацияларининг каттагина қисмини тўсади ва бу минтақанинг коммуникациявий кадри унинг асосий стратегик геосиёсий ва геоиқтисодий устун жиҳати бўлган шароитда жиддий салбий оқибатларни келтириб чиқаради;

– бир ҳолда Грузия, Абхазия ва Россия Федерацияси, бошқасида эса – Грузия, Жанубий Осетия ва Россия Федерацияси асосий ўйинчилар бўлган Абхазия ва Жанубий Осетия низоларидан фарқли ўлароқ, Тоғли Қорабоғ низосида асосий акторларни Озарбайжон, Тоғли Қорабоғ ва Арманистон ташкил этади, шунингдек, Туркия, Эрон, Россия, АҚШ, Франция ва Европа Иттифоқи ҳам низога жалб этилганлар ёки улар бунда ўзларининг бевосита ёхуд билвосита манфаатларига эгадирлар.

Тоғли Қорабоғ, Грузия–Абхазия ва Грузия–Осетия низоларини таҳлил қилиш уларнинг манбалари, табиати ва ижтимоий оқибатларини аниқлашга имкон берса-да, низолар тарафларининг мақоми яқин йилларда узил-кесил аниқланиши ҳақида сўз юритишга имкон бермайди. Айтилганлар кўпроқ, бизнингча, «ноль суммали» низо бўлган Тоғли Қорабоғ можаросига тааллуқлидир. Бироқ томонларнинг ҳам, воситачиларнинг ҳам мазкур низоларни ҳал қилиш масаласида ташлаган фаол ва оқилона қадамлари низолар иштирокчиларининг мақоми хусусида муайян сиёсий ечимга тезроқ эришиш имконини беради.

**“Жанубий Кавказ геосиёсатида энергетик ресурслар омили”** номли бобнинг иккинчи ва ишнинг якуний параграфида Каспий ҳалқасининг Жанубий Кавказ геосиёсатига таъсири, Каспийбўйи минтақасининг энергетик омили ва унинг Жанубий Кавказ геосиёсатининг таркибий қисми сифатида ушбу

---

<sup>1</sup> Нагорный Карабах: взгляд на конфликт с места событий // Доклад № 166 Европа. Тбилиси/Брюссель, 14 Сентября 2005 г.

геосиёсатга кўрсатаётган таъсири таҳлил қилинган.

Каспий денгизи зонаси ва Каспийбўйи ҳудуди бугун дунёнинг кўплаб давлатларини нафақат бой углеводород захиралари билан, балки жаҳон сиёсатининг етакчи субъектларига ўз иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий-стратегик манфаатларини амалга оширишлари учун кенг имкониятлар берадиган геосиёсий ва геостратегик хусусиятлари билан ҳам ўзига тортмоқда. Амалда у аллақачон дунёнинг ушбу муҳим ҳудудида ҳукмронлик қилишни истовчи давлатлар ва кучлар ўртасидаги кўп векторли рақобат ва кураш майдонига айланиб бўлди. Ушбу минтақанинг стратегик аҳамияти эса унинг углеводород ресурсларига бойлигидан ташқари, Европа билан Осиё ўртасида чегара мақомига эгаллиги, истиқболли китъаларо ва давлатларо транспорт йўналишлари ҳамда «Шарқ–Ғарб» ва «Шимол–Жануб» коммуникациялари кесишган нуқтада жойлашганлиги учта жаҳон дини – насронийлик, ислом ва буддизмнинг ҳукмрон таъсири мавжуд соҳалар кесишган жойда эканлиги билан ҳам белгиланади.

Каспий денгизининг жуғрофий жойлашуви, Россияга қарашли Шимолий Кавказнинг, Озарбайжон, Қозоғистон, Туркменистон ва Эроннинг яқинлиги, турли ресурсларнинг катта захиралари мавжудлиги, шунингдек, Каспий ҳавзасининг АҚШнинг «ҳаётий муҳим манфаатлари зонаси» деб эълон қилинганлиги ушбу минтақадаги Жанубий Кавказ республикаларининг манфаатларига бўлган таҳдидни кучайтиради.

Каспий минтақасининг таъсири, биринчи навбатда, қуйидаги энергия ресурсларининг экспорт қилиниши, хорижий инвесторларнинг жалб этилиши ва ташқи бозорлар (Россия, Озарбайжон, Эрон, Қозоғистон, Туркменистон)га чиқиш имконияти; мавжуд ёки лойиҳалаштирилаётган нефть ва газ қувурлари (Грузия, Россия); жаҳон (Туркия, Тожикистон, Саудия Арабистони, Греция)даги сиёсий вазиятга таъсир кўрсатиш ёки транзитдан даромад олиш ва бошқа муаммоларнинг ҳал этилишига эришиш (Арманистон, Украина, Болгария)нинг кўшимча имконияти сингари омиллар билан боғлиқдир<sup>1</sup>.

Айтиш мумкинки, Каспий денгизи муаммосининг геостратегик жиҳатлари яқин келажакда ҳам Жанубий Кавказдаги вазиятнинг ривожланишига бевосита ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

## ХУЛОСА

Диссертациянинг хулоса қисмида тадқиқотнинг асосий натижалари ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Жанубий Кавказдаги геосиёсий вазият ва унинг ривожланишига ҳозирги пайтда минтақада бир қатор давлатларо ва миллатларо манфаатларнинг

---

<sup>1</sup> Котилко В. Россия и Каспий: геополитические интересы / Обозреватель – Observer. – М., 1999. – № 3. – С. 23.

тўқнашуви, этносиёсий ва худудий низолар динамикаси, янги ички минтақавий, минтақалараро ва глобал даражаларда минтақа ресурслари устидан назорат ўрнатиш учун давом этаётган рақобат билан бир қаторда, Жанубий Кавказнинг янги мустақил давлатлари шаклланиши билан боғлиқ муаммолар ҳам хосдир.

**1.** Глобал трансформациявий қарама-қаршилиқлар, дунё тузилишининг икки қутбли геосиёсий модели трансформацияси натижасида юз берган ҳамда дунёдаги кучлар тақсимооти борасида рўй берган ўзгаришларга, шунингдек, дунё сиёсати акторларининг янги «ўйин қоидалари» ўрнатилишига ва ҳозирги маънодаги глобаллашув юз беришига ва, шу аснода, цивилизациялараро, маданиятлараро ва динлараро муносабатларнинг кескинлашувига олиб келган ҳамда жаҳон, минтақа, давлатлараро даражада ҳам, давлатнинг ички даражасида ҳам сиёсий, иқтисодий, геостратегик муносабатларга жиддий таъсир кўрсатган туб ўзгаришлар мажмуидир.

**2.** Бизнинг фикримизча, Кавказ учун «Кавказ орти» – «Transcaucasus» номланишини сиёсий жиҳатдан бетараф ва жуғрофий жиҳатдан аниқроқ бўлган «Шимолий Кавказ» ва «Жанубий Кавказ» номланишлари билан алмаштирган маъқул. Назаримизда, Жанубий Кавказ – Кавказ билан боғлиқ соф минтақавий-географик тушунча бўлиб, у бу Катта Кавказ тизмасидан жанубда жойлашган минтақа. Жанубий Кавказни учта давлат – Арманистон, Грузия, Озарбайжонни ўз ичига оладиган алоҳида Евросиё геосиёсий минтақаси сифатида таърифлаймиз.

**3.** Жанубий Кавказ геосиёсатининг трансформацияси кўпроқ минтақа мамлакатлари томонида эмас, балки ташқи ва минтақавий буюк давлатлар томонидан амалга оширилмоқда. Жанубий Кавказ республикаларида трансформация жараёнлари давомида ҳам тарихий, ижтимоий-сиёсий ривожланиш хусусиятлари билан, ҳам Ғарб (АҚШ, ЕИ) ёки Шарқ (Туркия, Эрон, Россия)нинг моддий, молиявий ёки сиёсий кўмаги тарзидаги ташқи омиллар таъсири билан боғлиқ умумий қонуниятлар аниқланмоқда. Бу кўпроқ Жанубий Кавказ республикалари умумий геостратегик ва геосиёсий интилишларга эга эмаслиги, оқибатда, улар ҳар хил ташқи геосиёсий қутблар ўртасида мувозанат сақлашга мажбур бўлаётганликлари билан боғлиқ.

**4.** Бизнингча, энергия манбалари Американинг Жанубий Кавказ минтақасида сиёсатидан кўзланган асосий мақсад эмас. Нефть ва унинг ташилиш йўналишларини назорат қилиш АҚШ сиёсатининг шунчаки бир воситаси, холос.

АҚШнинг Болқон яриморотида, Жанубий Кавказда ва Марказий Осиёда жойлашиб олиш учун қилаётган ҳаракатларини Россиянинг унинг Эрон ва Хитой билан ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган уринишларига панд бериш мақсадида ўзига хос «камар» яратишга бўлган интилиши сифатида баҳолаш мумкин.

Энг катта углеводород конлари ва уларни ташиш йўналишларини (жумладан, Каспийда) назорат қилиш АҚШга Россия-Эрон иттифоқи

тузилишига қаршилик кўрсатиш, шунингдек, Хитойнинг янги буюк давлат сифатида шаклланишига тўсқинлик қилиш имконини беради.

**5.** Кавказ Россия учун ниҳоятда катта геостратегик аҳамиятга эга, Россиянинг ушбу минтақада миллий манфаатларини ҳимоя қилиш сиёсий стратегиясининг шаклланиши ва амалга оширилиши эса муҳим муаммо бўлиб, унинг ҳал этилиши Россия Федерациясининг миллий хавфсизлигини муваффақиятли таъминлашга имкон яратади.

Россия Федерациясининг Жанубий Кавказдаги глобал геосиёсий даражадаги миллий манфаатлари Жанубий Кавказ давлатларининг геосиёсий «атлантлашуви»га тўсқинлик қилиш ва Жанубий Кавказ давлатларида АҚШ ва НАТО мамлакатларининг ҳарбий кучлари бўлишини истисно қилувчи шароитлар яратишни кўзда тутади.

**6.** Туркиянинг Жанубий Кавказ ва Марказий Осиёдаги, шунингдек, Россиянинг Шимолий Кавказ минтақасидаги ташқи сиёсати АҚШ билан узвий боғлиқликда амалга оширилмоқда. АҚШ ва Туркиянинг асосий геосиёсий вазифаси Россиянинг Шимолий Кавказдаги ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий мавқеини сусайтириш, Россияни Шимолий Кавказ минтақасига муносабатда ички сиёсатдан Жанубий Кавказнинг янги мустақил давлатларига қўлланилаётган ташқи сиёсатга ўтишга мажбур қилишдан иборат.

**7.** СССРнинг парчаланиши Эронга нафақат қулай географик жойлашганлиги, балки иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳамияти туфайли ҳам Жанубий Кавказнинг геосиёсий вазиятига таъсир этувчи асосий давлатлардан бирига айланиш имконини берди.

Бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Эрон ўзининг Жанубий Кавказга қаратилган ташқи сиёсатини иқтисодий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда юритмоқда. Унда кўшма энергетик ва транспорт лойиҳалари муҳим ўрин тутди.

Шуни аниқ айтишимиз мумкинки, Эроннинг Жанубий Кавказдаги ўзаро фойдали муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштиришга қаратилган сиёсати Жанубий Кавказ минтақасининг иқтисодий ривожланиши ҳамда унинг сиёсий барқарорлиги ва хавфсизлигига имкон яратувчи энг муҳим омил ҳисобланади.

**8.** Каспий минтақасининг Жанубий Кавказ геосиёсатига таъсири, биринчи навбатда, қуйидаги омиллар билан боғлиқ:

– энергия ресурсларининг экспорт қилиниши, хорижий инвесторларнинг жалб этилиши ва ташқи бозорлар (Россия, Озарбайжон, Эрон, Қозоғистон, Туркменистон)га чиқиш имконияти;

– мавжуд ёки лойиҳалаштирилаётган нефть ва газ қувурлари (Грузия, Россия);

– жаҳон (Туркия, Тожикистон, Саудия Арабистони, Греция)даги сиёсий вазиятга таъсир кўрсатиш ёки транзитдан даромад олиш ва бошқа

муаммоларнинг ҳал этилишига эришиш (Арманистон, Украина, Болгария) борасидаги кўшимча имконият.

**9.** Жанубий Кавказ геосиёсати масалалари бўйича, унинг трансформацияси истиқболларини тартибга солиш юзасидан «5+3» доимий гуруҳи (АҚШ, Европа Иттифоқи, Россия, Эрон ва Туркия бир тарафдан, Арманистон, Грузия ва Озарбайжон иккинчи тарафдан) ташкил этилиши лозим.

**10.** Жанубий Кавказ мақомини тартибга солиш бўйича ташаббусларни амалга ошириш учун БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши қошида доимий алоқа гуруҳини ташкил қилиш ҳақидаги масалани кўтариб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз.

## ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Шералиев О.Р. «Краткий обзор геополитической трансформации Южного Кавказа после распада биполярной системы» // Иқтисодий ва инфор­мацион хавфсизлик замонавий муаммолари мавзуидаги ёш олимларнинг Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЖИДУ – 2006. – № 2. – Б. 74–76.
2. Шералиев О.Р. «Каспийская дуга уязвимости, ее влияние на геополитику Кавказа» // «Замонавий халқаро муносабатлар ва Ўзбекистон Республикасида ислохотларнинг долзарб муаммолари» мавзуидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ЖИДУ – 2007. – Б. 52 – 59.
3. Шералиев О.Р. «Геополитическая трансформация архитектуры Южного Кавказа» // Замонавий халқаро муносабатлар мавзуидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ЖИДУ – 2008. – Б. 134 – 138.
4. Шералиев О.Р. “Россия Федерацияси сиёсий раҳбариятининг Жанубий Кавказдаги геосиёсий манфаатлари трансформацияси” // Ҳозирги замон сиёсий жараёнларида инсон омили. – Тошкент: ТошДШИ – 2008. – Б. 173 – 180.
5. Шералиев О.Р. “БМТ раҳнамолигида Жанубий Кавказ геосиёсати­га таъсир этувчи омилларни ҳал этиш (Тоғли Қорабоғ низоси мисолида)” // БМТ тизимини жаҳон сиёсатининг янги архитектурасига мослаштиришнинг концептуал жиҳатлари: Ўзбекистон Республикаси амалиёти. – Тошкент: ТошДШИ – 2009. – Б. 214 – 220.
6. Шералиев О.Р. “Жанубий Кавказда барқарорликни таъминлаш” // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2008. - № 4. – Б. 107 – 108.
7. Шералиев О.Р. “Кавказский регион как перспективное направление деятельности Шанхайской организации сотрудничества” // Востоковедение. – Тошкент, 2008. - № 1 – 2. – Б. 8 – 12.
8. Шералиев О.Р. “Место мировых и региональных держав в формировании геополитической архитектуры Южного Кавказа” // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2009. – Махсус сон. – Б. 104 – 106.
9. Шералиев О.Р. “БМТ: Жанубий Кавказ геосиёсати” // Тафаккур. – Тошкент, 2009. - № 4. – Б. 83 – 85.

Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасига талабгор Шералиев Ойбек  
Рихсиллаевичнинг 23.00.04 – «Халқаро тизимлар ва жаҳон тараққиётининг  
сиёсий муаммолари» ихтисослиги бўйича «Жанубий Кавказнинг биполяр тизим  
парчаланишидан кейинги геосиёсий трансформацияси» мавзусидаги  
диссертациясининг  
**РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч сўзлар:** геосиёсат, геосиёсий рақобат, геосиёсий тўқнашув, геосиёсат акторлари, трансформация, геосиёсий таназзул, геосиёсий трансформация, Кавказ, Кавказ орти, Транскавказ, Кавказ камари, Жанубий Кавказ, Каспийбўйи, энергетик омил ва этномиллий можаро.

**Тадқиқот объекти:** биполяр тизимдан кейинги Жанубий Кавказдаги геосиёсий муносабатлар тизими.

**Ишнинг мақсади:** Жанубий Кавказ минтақасидаги геосиёсий жараёнлар ҳамда минтақадаги янгича геосиёсий трансформация билан боғлиқ муносабатлар тизимини атрофлича таҳлил қилиш.

**Тадқиқот методи:** мантиқий, қиёсий-сиёсий, тизимли-тузилмавий, тизимли-типологик, тарихий, ташкилий усуллар ҳамда таҳлил ва синтез усуллари.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** тадқиқотда геосиёсий трансформациянинг моҳияти ва мазмуни ифодаланган, «глобал трансформациявий таҳдидлар» тушунчасининг муаллифлик таърифи тақлиф этилган, Жанубий Кавказнинг геосиёсати, жаҳон сиёсатидаги муҳим роли ва ўрни аниқланган, минтақа геосиёсати асосий акторларининг геосиёсий интилишлари қутбларга ажратилган, минтақа геосиёсатига бўлган асосий таҳдидлар – сепаратизм, этномиллатчилик, ташқи акторларнинг аралашуви, энергетик константа ва Каспий денгизининг делимитацияси муаммоси кўрсатиб берилган ҳамда минтақа мақомини мустаҳкамлаш, минтақа геосиёсатининг учала республика манфаатларига мос келадиган ҳақиқий ижобий трансформацияси юзасидан амалий тадбирлар тақлиф этилган.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқотдаги назарий хулосалар ва амалий тақлифлардан Жанубий Кавказ минтақасида икки ва кўп томонлама алоқаларни ривожлантириш, хусусан, Ўзбекистон Республикаси ва Жанубий Кавказ республикалари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва минтақа геосиёсатининг аниқ ўлчамларини белгилашда фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** Жанубий Кавказ мақомининг асосий унсурлари белгилаб берилган, минтақа геосиёсати трансформациясининг амалий хусусиятлари очиқ берилган, минтақа муаммоларини ҳал этиш бўйича ташаббусларни амалга ошириш учун БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши қошида доимий алоқа гуруҳини ташкил қилиш тақлифи илгари сурилган.

**Қўлланиш соҳаси:** ташқи сиёсат, ташқи сиёсий фаолият, халқаро можароларни тинч йўл билан ҳал этиш, икки ва кўп томонлама халқаро ҳамкорлик, халқаро муносабатларда прогнозлаш, илмий тадқиқот ишлари ва таълим соҳаси.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Шералиева Ойбека Рихсиллаевича на тему: «Геополитическая трансформация Южного Кавказа после распада биполярной системы» на соискание ученой степени кандидата политических наук по специальности 23.00.04 – «Политические проблемы международных систем и глобального развития»

**Ключевые слова:** геополитика, геополитическое противоборство, геополитическое столкновение, акторы геополитики, трансформация, геополитический кризис, геополитическая трансформация, Кавказ, Закавказье, Транскавказ, Кавказская дуга, Южный Кавказ, Прикаспий, энергетический фактор и этнонациональный конфликт.

**Объекты исследования:** система геополитических отношений Южного Кавказа после распада биполярной системы

**Цель работы:** всесторонний анализ системных отношений, связанный с геополитическими процессами в Южном Кавказе и новой геополитической трансформацией в регионе.

**Методы исследования:** логический, сравнительно-политический, системно-составляющий, типологически-системный, исторический, организационные методы и методы анализа и синтеза.

**Полученные результаты и их новизна:** в ходе исследования раскрыта сущность и значение геополитической трансформации, рекомендована авторская интерпретация понятия «глобальные трансформационные угрозы», определена геополитика Южного Кавказа и ее особая роль и место в мировой политике, разделены на полярности геополитические стратегии основных акторов геополитики региона, определены такие проблемы делимитации Каспийского моря и основные угрозы геополитики региона, как – сепаратизм, этнонациональность, влияние внешних акторов, энергетическая константа, рекомендованы практические меры по укреплению статуса региона и трансформации геополитики региона, соответствующей интересам трех республик.

**Практическая значимость:** теоретические заключения и практические рекомендации исследования могут быть использованы в развитии двусторонних и многосторонних отношений в регионе Южного Кавказа, в частности, в укреплении отношений между Республикой Узбекистан и республиками Южного Кавказа и четком определении геополитики региона.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** определены основные положения статуса Южного Кавказа, раскрыты практические особенности трансформации геополитики региона, предложено организовать постоянную группу отношений при Комитете Безопасности ООН для решения проблем региона.

**Область применения:** внешняя политика, внешнеполитическая деятельность, мирное урегулирование международных конфликтов, двустороннее и многостороннее международное сотрудничество, прогнозирование в международных отношениях, научно-исследовательские работы и область образования.

## RESUME

Thesis of Sheraliyev Oybek Rikhsillayevich on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in political sciences on speciality 23.00.04 – Political Problems of International System and Global Development, subject: “The geopolitical transformation of South Caucasus after the bipolar system”

**Key words:** geopolitics, geopolitical counteraction, geopolitical clash, geopolitical actors, transformation, geopolitical crisis, geopolitical transformation, Caucasus, Transcaucasia, Transcaucasus, arc of Caucasus, South Caucasus, Caspian boarding, energy factor and ethnonational conflict.

**Subjects of research:** The system of geopolitical affairs of South Caucasus after the clash of bipolar system.

**Purpose of work:** comprehensive analysis of the systematic affairs related to geopolitical process in South Caucasus and new geopolitical transformation in the region.

**Methods of research:** logical, comparative political, component systematic, typological – systematic, historical, organization methods, methods of analysis and synthesis.

**The results obtained and their novelty:** The essence and significance of geopolitical transformation, new interpretation of “Global Transformation Threats” is given by author, the role of South Caucasus in geopolitics is defined as well as its place in world politics, geopolitical strategy of main actors in region’s geopolitics divided to polarity, defined the delimitation problems of Caspian Sea and the main threat of region’s geopolitics as – separatism, ethnonationality, impact of foreign actors, energetic constant, practical extant are proposal to strengthen the status of the region and transformation of the geopolitics of the region corresponding the interest of three republics.

**Practical value:** theoretical conclusion and practical recommendation of the research can be used in the development of bilateral and multilateral affairs in the South Caucasian region, in this case in the strengthening of relations between South Caucasian republics and Republic of Uzbekistan and clear definition of regional geopolitics.

**Degree of embed and economical effectiveness:** main positions of South Caucasus were determined, disclosed practical significance of geopolitical transformation of the region, permanent group of cooperation under UN Security Council is proposed to be organized to resolve the problems of the region.

**Field of application:** foreign affairs, activity of foreign affairs, peaceful resolution of international conflicts, bilateral and multilateral cooperation, prognoses in International affairs, scientific – research works and in educational processes.

Формат 84x108 1/32. Ҳажми 1,5 б.т.  
Нусха сони 100. Келишилган нарҳда

---

ЖИДУда чоп этилди  
100077, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54.

---